

## Сийрат дарслари (128-дарс). Қубо масжидидаги ибодат



14:00 / 19.03.2021 3493

491. Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким ушбу масжидга - Қубо масжидига келиб, унда намоз ўқиса, худди умра кабидир»**, дедилар».

*Насоий, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.*

492. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудга назар солдилар ва: **«Албатта, Уҳуд бизни севадиган ва биз ҳам уни севадиган тоғдир. Аллоҳим! Албатта, Иброҳим Маккани ҳарам қилди ва мен ҳам унинг**

**икки ҳарраси орасини ҳарам қилдим», дедилар».**

*Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

493. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Исломи ғариблик билан бошланди ва яна бошлангандаги каби ғарибликка қайтади. У икки масжид орасидан худди илон инига киргандек киради», дедилар».**

*Муслим ривоят қилган.*

494. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Албатта, шайтон Арабистон ярим оролида намозхонларнинг унга ибодат қилишларидан ноумид бўлди. Лекин уларни фитна ва урушларга гиж-гижлаши қолди».**

*Муслим ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**